



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 9 сентябрь, № 189 (8532)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭТНОСПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 сентябрь куни Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси раиси Нажмиддин Билол Эрдоған бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув аввалида Билол Эрдоған Ўзбекистон етакчисига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Илк бор Хива шаҳрида дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларидан қарийб 2 минг нафар спортчилар иштирокида ўтказилаётган Халқаро этноспорт фестивали қўллаб-қувватлангани ва юқсак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирилди. Суҳбатда қўшма "Йўл харитаси" асосида таълим дастурларини

ишлаб чиқиш, тажриба алмашиш, мутахассислар, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш, ёшларни этноспортга кенг жалб қилиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётга инвестиция ва илғор технологиялар фаол жалб этилаётгани натижасида саноат изчил ривожланмоқда. Жорий йилнинг етти ойида юртимизда саноат маҳсулотлари ҳажми 5,7 фоизга ўсиб, 345 триллион сўмга етган. Бу кўрсаткич электр техникаси саноатида 46 фоиз, енгил автомобилларда 16 фоиз, қурилиш материаллари тармоғида 12 фоиз, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришда 11 фоизни ташкил қилган.

Иш тўғри йўлга қўйилган жойларда ўзгариш бўлмоқда. Хусусан, саноат кўрсаткичи Бандихонда 45 фоиз, Китобда 19 фоиз, Қизилқумда 18 фоиз, Кеғейлида 14 фоиз ўсган. Шу каби 25 та туман ва шаҳарда саноат ҳажми 10 фоиздан зиёд кўпайган.

Умуман, йил бошидан буён мамлакатимиз бўйича 2 мингта янги саноат лойиҳаси ишга туширилиб, йил якунигача қўшимча 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Мисол учун, "Пистали" олтин конида янги металлургия заводи муддатидан олдин қувватга киритилгани ҳисобига шу йилнинг ўзида қўшимча 840 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Заводида қарийб 50 миллион долларлик ускуналар саноат кооперацияси асосида ўзимизда тайёрланган.

Лекин ҳамма тармоқ ва ҳудудда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. 34 та туман ва шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан пасайган. Айрим тармоқларда, жумладан, фармацевтика, чарм-пойабзал, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ва экспорт суръати секинлашган.

Йиғилишда қайд этилганидек, соҳада янги имконият ва захира ларни аниқлаш учун ҳудудларга ишчи гуруҳлар юборилган. Мисол учун, Тошлоқ туманида 23 та корхона қувватларини тиклаш ва 22 та янги лойиҳани тезлаштириш ҳисобига йил якунигача қўшимча 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконлиги аниқланган.

Яна бир имконият — туманларда саноат кооперациясини кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Масалан, Олмалик кон-металлургия комбинати маҳаллий саноат корхоналари билан кооперацияни йўлга қўйиб, полимер, қуйма эҳтиёт қисмлар, кимёвий реагент каби 1 триллион сўмлик маҳсулотлар олмоқда. Худди шундай имкониятлар Андижон, Қашқадарё,

Навоий, Самарқанд ва Хоразмда ҳам бор.

Ишлаб чиқариш барқарорлигидаги асосий масалалардан бири — энергия таъминоти. Шу боис Бош вазир раҳбарлигидаги комиссияга қўшимча ишлаб чиқаришни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг ойма-ой энергия балансини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Саноат корхоналарини олдиндан хабардор қилмасдан туриб, электр таъминотидан узиш мумкин эмаслиги қатъий кўрсатиб ўтилди.

Йил якунигача 232 та маҳаллий саноат корхонасида маҳсулот ҳажмини ошириш, 210 та йирик саноат лойиҳасини тўлиқ ишга тушириш зарурлиги қайд этилди. Саноат жағмарасидан самарали фойдаланиш, зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарини соғломлаштириш, экспортчиларга транспорт жиҳатдан қўмақлашиш борасида топшириқлар берилди.

Йиғилишда тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари йил якунигача мўлжалланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичлари, саноат корхоналарини куз-қиш мавсумида энергия ресурслари билан таъминлаш чоралари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ЭТНОСПОРТ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестивал қатнашчилари! Қадри дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни бутун дунёда очик осмон остидаги музей сифатида шуҳрат қозонган, кўхна ва бетакорр Хива шаҳрида **Халқаро этноспорт фестивалининг** очиллиши билан чин қалбимдан самимий табриклайм.

Ортимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу анжуманда ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси ҳамда унга аъзо давлатлар вакиллари, шунингдек, 63 та мамлакатдан қарийб 930 нафар этноспорт намоёндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этаётгани фестивалга дунё миқёсида қизиқиш ва эътибор нақадар катта эканини яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур халқаро анжуманининг уч минг йилдан зиёд шонли ўтмишга эга бўлган Хоразм заминиде ўтказилаётгани албатта бежиз эмас. Бу қутлуғ воҳа бизнинг бой тарих ва маданиятимиз, миллий қадриятларимизнинг қадимий бешикларидан биридир. Ушбу диёрдан етишиб чиққан

Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари мард ва жасур аждодларимиз, моҳир саркардаларимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Маълумки, халқнинг тарихи, миллий қадрият ва анъаналарини ўзида мужассам этадиган этноспорт турлари ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, дунё давлатлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга.

Шу боис мамлакатимизда миллий халқ ўйинларини тарғиб этиш ва оммалаштириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда бу борада қатор қарорлар, жумладан, **Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури** қабул қилинди.

Айниқса, миллий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар тизими ташкил этилгани, Тошкент шаҳрида ҳар йили бир марта этноспорт турлари бўйича республика фестивали, Хива шаҳрида эса икки йилда

Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш йўлга қўйилгани бу борадаги муҳим амалий қадамларимиздир.

Ортимизда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини оммалаштириш ва ривожлантириш, спорт мусобақаларини ташкил этиш бўйича худудий дастурлар қабул қилинди.

Айрим этноспорт турлари бўйича бошқарув тизими ҳамда спортчи ва тренерлар захираси шакллантирилгани, мусобақаларни доимий ўтказиш ва уларни молиялаштириш жорий этилгани бу соҳадаги ишларни мунтазамлик асосида олиб бориш имконини бермоқда.

Ёш авлод ўртасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини оммалаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда мақолали мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттирган ҳолда, юртимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари рўйхатлари

шакллантирилди, ўзбек курашини ЮНЕСКОнинг этноспорт миллий ўйинлари номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Хурмати анжуман иштирокчилари! Фурбатдан фойдаланиб, ушбу фестивалдаги иштирокингиз учун сиз, азизларга, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига самимий миннатдорлик билдирам.

Ишончим комил, биргалликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан бу фестивал дунёдаги нуфузли спорт анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Фестивал доирасида ўтказилаётган спорт мусобақалари, халқаро турнир, жаҳон чемпионатлари ва конференция ишга муваффақият тилайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютук ва зафарлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИгини МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИгини МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 — 2022 йилларда оналар ўлими кўрсаткичи **1,5 бараварга**, гўдақлар ўлими эса **1,3 бараварга** камайишига эришилди.

Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларни беғул дори воситалари, тиббий буюмлар ва махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилиб, уларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш қўлами кенгайтирилди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида **болалар анестезиология-реанимация бўлиmlари** ҳамда кечая кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия постлари, шунингдек, поликлиникаларда **болалар бўлиmlари** ташкил этилди.

Барча "тиббиёт бригадалари" таркибига қўшимча педиатрия ҳамшираси ва доя **штатлари ажратилди**. Болалар, ҳомилалар ва туғиш ёшидаги аёлларни зарур **витамиn комплекслари, йод препараты, темир ва фоллий кислотаси** билан беғул таъминлаш жорий этилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг самарали бошқарув тизимини яратиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **2023 йил 1 октябрдан бошлаб**:

Республика иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика "Она ва бола скрининг" маркази негизида **Республика иختисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказини** (кейинги ўринларда — Марказ); худудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари негизида Марказнинг **14 та худудий филиалларини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларни розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи оналар саломатлигини муҳофаза қилишнинг **такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж тизими** жорий қилинсин:

а) **бирламчи тиббий-санитария ёрдами** муассасаларида "тиббиёт бригадалари":

ўзларига бириктирилган худудларда ҳомилалар аёлларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш ва даврий тиббий кўриқдан ўтишини ташкил этади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг "Аёллар маслаҳатхонаси" бўлими билан биргалликда ҳомилалар аёллар ҳолатини **доимий мониторинг** қилиб боради ҳамда хавф омиллари аниқланганда Марказнинг худудий филиалларига ёрдами;

(Давоми 2-бетда).



Конференция

Самарқанд декларацияси: ДОЛЗАРБ МАСАЛА ЕЧИМИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Самарқанд шаҳрида 7-8 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилати — ФАО техник кўмағида Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

Нуфузли анжуманининг иккинчи куни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги инвестиция форуми билан бошланди. Унда 26 давлатдан 100 га яқин компания вакиллари қатнашди.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, аграр тармоқни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ҳажминини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, келгуси режалар ҳақида меҳмонларга батафсил маълумот берилди. Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳияти намойиш этилган тақдимот йиғилганларда катта таассурот қолдирди.



Биз ва жаҳон

Янги Ўзбекистоннинг АҚШ билан мустаҳкамлашиб бораётган стратегик шериклиги

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчиси Фурқат Сидиқовнинг "The Diplomat" онлайн нашрида "Ўзбекистоннинг ислохот дастури: АҚШ билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамловчи каталогизатор. Ўзбекистон динамика минтақадаги Американинг асосий ҳамкори" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан буён демократия, инсон ҳуқуқлари ва бозор сиёсати тамойилларини ўзида мужассам этган маърифат ва тараққиётга йўналтирилган янги Ўзбекистонни барпо қилар экан, мамлакат улкан ўзгаришларни бошдан кечириётгани қайд этилган.



Сессия

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида халқ депутатлари Жарқўрғон тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар томонидан янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,

профилактикасини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур масалалар юзасидан Жарқўрғон тумани ҳокими Э. Авазовнинг, шунингдек, Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи А. Бердиназаровнинг ахборотлари эшитилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давом. Бошланғич 1-бетда).

туғуруқдан кейинги даврда она ва боланинг даврий патронажини олиб боради ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чораларини кўради; репродуктив ёшдаги аҳоли ва ҳомиладор аёллар ўртасида тиббий маданият, касалликлар профилактикаси ва соғлом оилани режалаштириш бўйича тарғибот ишларини олиб боради;

б) Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий филиаллари: хавф омиллари аниқланган аёлларни тиббий текширувдан ўтказиши, уларни даволайди ҳамда зарур ҳолларда республика даражасидаги тиббиёт муассасаларига йўналтиради;

никоҳланувчилар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар ҳамда чақалоқларни молекуляр тиббий-генетик текширувлардан ўтказиши;

ирсий касалликлар аниқланган болаларни махсус дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди;

соғлом оилани режалаштириш ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширади;

в) Республика перинатал маркази: эрта туғуруқ хавфи бўлган ҳомиладорларга, шунингдек, муддатига етмасдан (22 — 28 ҳафталик) туғилган чақалоқларга барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатади;

алоҳида тиббий кўрсатмаларга асосан ҳомиладорлар ва чақалоқларга Марказнинг ҳудудий филиалларида консултиватив ёрдам беради ҳамда зарур ҳолларда уларга тиббий стационар ёрдам кўрсатади;

г) Марказ: республика, ҳудудий тиббиёт муассасалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар скрининги, шунингдек, репродуктив ёшдаги аҳоли орасида экстрагенитал, туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси бўйича ихтисослаштирилган ҳамда юқори технология диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этади;

акушерлик-гинекология, тиббий-генетик таслаҳат, соғлом оилани режалаштириш, молекуляр-генетик текширув, пластик ва эстетик гинекология, ёрдамчи репродуктив технологиялар хизматларини ташкил этади ва ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиради;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болаларга малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда иштирок этади;

репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар, янги туғилган болалар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

ўсмирлар орасида репродуктив аъзолар патологиясининг олдини олиш бўйича тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этади;

хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширади;

соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда илгор усуллар ва технологияларни йўлга қўйиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликнинг олдини олиш чораларини кўради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023 йил 1 октябрдан бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари мутахассисларини жорий этилаётган янги тизим бўйича ўқитишни ташкил қилсин.

3. Белгилансинки: а) Марказ Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика "Она ва бола скрининг" маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг; Марказнинг ҳудудий филиаллари тегишсинча ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда "Она ва бола скрининг" марказларининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари туғуруққа кўмаклашиш соҳасидаги тиббиёт муассасалари фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

в) янги ташкил этилаётган Марказ таркибидаги аҳоли репродуктив саломатлиги ва скрининг хизматида Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Республика "Она ва бола скрининг" маркази унчун амалда белгиланган молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

г) Марказнинг электрон навбат асосида даволашишга йўналтириладиган ва имтиёзли тоифага кирувчи беморларни

даволаш харажатлари Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилди.

4. Куйидагилар: Оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

2023 — 2027 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш дастури 2-иловага мувофиқ; 2023 — 2027 йилларда туғуруқ комплексларида қўшимча киритилмайдиган туғуруқ ўринлари сони 3-иловага мувофиқ; Ҳудудий тиббиёт муассасалари учун харид қилиниши режалаштирилган тиббий жиҳозлар тақсимоти 4, 4а — 4о иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Худудларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича алоҳида "йўл хариталари" тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлариغا "йўл хариталари"да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йил 1 сентябрга қадар Марказда замонавий ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган энг илгор диагностика ва даволаш стандартларини амалиётга жорий этиш, ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини йўлга қўйсин.

7. Белгилансинки:

Марказ ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўллаш бўйича замонавий клиник протоколлар ва стандартлар ишлаб чиқади ҳамда ушбу йўналишдаги барча тиббиёт ташкилотлари фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштиради;

2024 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили 100 тагача имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ёрдамчи репродуктив технологиялар усуллари муваффақиятли қўлланганда ушбу амалиётни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда бепуштлик сабабли фарзандсиз бўлган оилаларга, шу жумладан, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга нисбатан ёрдамчи

репродуктив технологиялар усулларини қўллаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликни камайтириш, туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш аҳамияти ва зарурати тўғрисида аҳоли орасида кенг таъминоти ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Куйидагилар 2026 йил 1 январга қадар божжона божидан озод қилинсин:

ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланган дастурлар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" ҳуқуқматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича четдан олиб кирадиган юқори технология диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, дори воситалари ва болалар учун махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

фенилкетонурияга чалинган болалар учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларида 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятлов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари И.Э.Баситханова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 8 сентябрь

Янги Ўзбекистоннинг АҚШ билан мустаҳкамлашиб бораётган стратегик шериклиги

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

"Давом этаётган ўзгаришлар осон кечмади, бироқ 2016 йилдан буён Ўзбекистонда янгилашган Конституция ва диний эркинлик тўғрисида янги қонун қабул қилинди, оилавий эъравонликка жинсий жавобгарлик белгилади, иқтисодий ривожланишга эътибор қўйди, шунингдек, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича катта саяё-ҳаракатлар ва бошқа кўплаб ислохотлар амалга оширилди, — деб ёзган Ўзбекистон элчиси. — Ушбу муҳим ўзгаришлар нафақат мамлакатнинг ички манзарасини яхши томонга ўзгартирди, балки унинг асосий иттифоқчилари ва ҳамкорлари, хусусан, Қўшма Штатлар билан муҳим муносабатларини мустаҳкамлади".

Нашрда, янги Ўзбекистон шаклланишда давом этар экан, Жо Байден маъмурияти яқин ва кенг қамровли стратегик ҳамкорликни таъминлаган демократик ўзгаришларга ва бозор ислохотларига қаратилган ушбу туркум ўзгаришларни олқишлагани ва қўллаб-қувватлаганига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллиф шу ўринда АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкеннинг шу йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида айтган қуйидаги сўзларидан иқтибос келтирган: "Биз Президент Мирзиёевнинг ислохотлар дастурини тўлиқ амалга оширишни қўллаб-қувватлаш орқали ҳамкорлик имкониятларини кенгайтирмоқдамиз. Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқи бўйича эришган ютуқлари бу кун тартиби нақадар ўзарувчан бўлиши мумкинлигини кўрсатади".

Элчи, шунингдек, Президент Жо Байденнинг 2015 йилда Самарқандда илк бор ўз фаолиятини бошлаган ва давлат раҳбарлари даражасига чиққан тарихий "С5+1" саммити олдида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубини амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб бораётганининг далили сифатида кўриш мумкинлигини таъкидлаган.

"Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратмоқда, — дея қайд этади элчи Фурқат Сидқиков. — Илмий сиёсий маслаҳатлашувлар яқин ва муҳим ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган Стратегик шериклик мулоқоти даражасига кўтарилди".

АҚШ билан алоқаларимиз Конгрессда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида амалга оширган давлат ташрифидан сўнг ташкил этилган АҚШ Конгресси ҳузуридаги "Ўзбекистон бўйича кокус" сезиларли даражада

кенгайтириш ҳамда биргина жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон парламентининг 10 дан ортиқ делегацияси океанортига ташриф буюрди. Ушбу мақолада 2016 йилдан буён Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ичида ислохотларнинг асосий бўғинларидан бири бўлиб қолиши учун тинимсиз меҳнат қилинаётгани ҳам қаламга олинган.

"Мамлакатимизда ушбу соҳада ақл-бовар қилмас тараққиётга эришилди. Масалан, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси ўзбек пахтасига нисбатан ўй иллик бойкотини бекор қилди. Ушбу тарихий қадам мамлакат ичида тўқимачилик саноатининг ўсишига йўл очмоқда ва АҚШнинг номдор брендлари ва чакана сотувчилари билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистонда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилиши мамлакат ва Марказий Осиёни тубдан ўзгартирди ва қаратилган кенг қўламли ислохотлар дастурининг бошланғич ҳолос", деб ёзган дипломат.

Шунингдек, нашрда янги Ўзбекистондаги қонун устуворлиги билан қўллаб-қувватланган бизнес учун қўлай муҳитни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар АҚШ билан савдо ва сарможа ҳажмининг ошишига хизмат қилаётгани қайд этилган.

"Ўзбекистонда фаолият юритаётган Америка компаниялари сони сўнгги олти йил ичида икки бараварга кўпайди, АҚШ билан умумий товар ва хизматлар савдоси ҳажми бир вақтининг ўзида уч бараварга ошди, — дея таъкидлаган муаллиф. — Дарҳақиқат, АҚШнинг машҳур "Caterpillar", "John Deere", "CNH Industrial", "General Electric", "Hilton", "and Delphos International" каби компаниялари Ўзбекистондаги инвестиция ҳажминини оширди. "Air Products" компанияси эса 1 миллиард долларлик сармоясини билан Қашқадарь вилоятидаги табиий газни синтетик газга қайта ишлаш заводига кириб келди".

Иқтисодий ислохотлар бизнес алоқаларини қандай мустаҳкамлаётганига яна бир ажойиб мисол — IT-сектори, дейилади мақолада. "Янги Ўзбекистоннинг АҚШ билан мустаҳкамлашиб бораётган стратегик шериклиги Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу динамика муносабатлар кўпроқ эътиборга лойиқ ва биз биргаликда ишлашимиз кераклигини эслатиб туради", деб ёзилган "The Diplomat"да эълон қилинган мақола хулосасида.

"Дунё" АА. Вашингтон

Самарқанд декларацияси:

ДОЛЗАРБ МАСАЛА ЕЧИМИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

FAO бош директори Цюй Дуньюй анжуман юксак савияда ўтгани, соҳа ривож учун жуда муҳим бўлган кўплаб фойдали тақлиф, ташаббуслар билдирилганини яна бир бор эътироф этади. Энг муҳими, Самарқанд декларацияси FAO фаолиятида ўта муҳим воқеликка айланганига уруғ берди.

Инвестиция форумининг ялпи йиғилишидан сўнг "B2B" ва "G2B" учрашувлари бўлиб ўтди. Дунённинг турли қитъаларидан, 30 га яқин давлатлардан юртимизга келган ишбилармон доиралар вакиллари, етакчи компаниялар масъул ходимлари ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган ҳамжасблари билан мулоқот қилиш, ўзаро манфаатли келишувларга эришиш имкони тақдим қилинди. Анжуман якунида туғридан-туғри инвестиция, грант ва халқаро молия институтлари маблағини жалб қилиш, савдо шартномалари кўри-нишида кўплаб келишувларга эришилди, ҳужжатлар имзоланди.

"Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича тадқиқотлар ва инновациялар" мавзусидаги форумда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги эканларини серхосил, ташқи таъсирларга чидамли навларини яратиш, чорва наслини яхшилаш ва бошқа қатор масалалар бўйича илмий хулосалар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳам бир қатор тадбирлар уюштирилди. Хусусан, конференция қатнашчилари Самарқанд вилоятидаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари иш-

лаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан танишди.

Қўҳна ва ҳамиса навқирон кентнинг қадимий обидалари, оросирикатлари бўйлаб саёҳат анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Тақко НДИАЙЕ, FAOнинг қишлоқчи инклюзив ўзгартриш ва гендер тенглиги бўлимининг гуруҳ раҳбари:

— Конференцияда сув ресурсларидан фойдаланишдаги муаммолар, иқлим билан боғлиқ салбий ўзгаришлар каби муҳим мавзулар қамраб олиниб, биргаликда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларига молиявий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсда муқобил ечим изладик. Ва анжуманда иқлим ўзгаришларининг озиқ-овқат маҳсулотларига таъсири ва шу каби асосий муаммоларга халқаро миқёсда қарата олишнинг муносиб ечим бўла олишига чуқур эътибор қаратган ҳолда музокара олиб бориб, юқори натижаларга эришилди. Якунда юқорида айтилган муаммолар устида биргаликда ишлаш ва ушбу масалаларни ҳал этишга қаратилган Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон — Осиё минтақасидаги муҳим мамлакатлардан бири. Ўзбекистон иқлимида ялпи ички маҳсулотларининг қишлоқ ҳўжалигидаги ўрни беқиёсдир, шу

нуқтаи назардан, минтақадаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кўплаг Европа ва бошқа давлатларга бўлган юқори дара-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

жадаги экспорт эҳтиёжининг мавжудлигини ҳам бунинг яққол мисоли сифатида кўришимиз мумкин.

Траян ДИМКОВСКИ, Шумолий Македония Қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қишлоқ тарққибти бўйича давлат маслаҳатчиси:

— Конференция соҳадаги амалиётларни муҳокама қилиш учун катта имконият яратди. Мунозара ва муҳокамалардан кўзланган асосий мақсад — давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, очликни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш, таъриба алмаштириш ва асосий масалаларга ечим топишди.

Биламизки, озиқ-овқат хавфсизлиги барча давлатлар учун, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари учун

КАДРИЯТ

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ БАҲСИ

Қадим ва навқирон Хива яна бир халқаро анжуманга мезбонлик қилмоқда. Кеча қўҳна Ичан қалъа мажмуасида Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ёшлар

сиёсати ва спорт вазирлиги, Этноспорт ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган Халқаро этноспорт фестивали очилди.

Ичан қалъанинг "Ота дарвоза"сидан жарчилар чақирғи, қарнай-сурнай навалари янгради. Қалъанинг байрамона безатилган кўчалари бўйлаб фольклор этнографик

жамоаларнинг чиқишлари, халқ унвормандчилиги буюмлари кўргазмалари ташкил этилгани меҳмонларнинг ажиб ҳайратига сазовор бўлди.

Шундан сўнг фестиваль доирасида белбоғли кураш бўйича халқаро турнир, ўзбек жанг санъати, мас-рестлинг, баҳодирлар ўйини ва тош кўтариш бўйича жаҳон чемпи-

онатлари ўтказилди. Камондан отиш, қушлар ови ҳамда от спорти мусобақаларини томошабандлар катта қизиқиш билан кузатиб борди. Бундан ташқари, қувон сайли, ош пишириш бўйича кўриқ-танлов ва бошқа турли кўнгилочар томошалар уюштирилди. Дунённинг 60 дан ортиқ давлатларидан 2 минг нафар-

га яқин хорижлик ва маҳаллий спортчилар иштирок этаётгани мазкур фестиваль доирасида Бутунжаҳон этноспорт конфедерациясининг "Мерос билан боғланган, этноспорт билан бирлашган" шиори остидаги саммити, шунингдек, Ичан қалъа ҳудудида театрлаштирилган концерт дастури ташкил қилинди.

Сўз — халқаро фестиваль қатнашчиларига

Судеш КУМАР, Ҳиндистон жанг санъати фестивали президенти:

— Этноспорт фестивалини ўтказиш учун айнан Хива шаҳри танлаб олинган бежиз эмас, албатта. Чунки бу қадим шаҳар ўтмишда нафақат илм-фун ва маданият, балки халқ уйинлари ҳамда миллий спорт турлари ривож топган марказлардан бири саналган.

Ал-Хоразми, Беруний каби дунё тан олган буюк сиймоларга бешик бўлган бу табарруқ заминда номи афсоналарга айланган Жалолиддин Мангуберди каби улуг саркардалар, хинд тупроғида кураш тушиб доврўқ қозонган Пахлавон Махмуд каби баҳодирлар етишиб қиққан.

Фестиваль давомида ақдоқлар аъналарини изчил давом этиб, юртингиз ёшлари орасидан зарбараст ҳамда аб-жир пахлавонлар, жанг санъати усталари етишиб чиқаётганига гувоҳ

бўлдим. Ташкилотчиларга самимий меҳмондўстлик учун Ҳиндистон делегацияси номидан миннатдорлик билдираман.

Иннокентий ГРИГОРЬЕВ, мусобақа бош хаками (Россия):

— Фестивалга юқори даражада тайёргарлик қўрилганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Айниқса, мусобақаларни ўтказиш учун қадимий қалъанинг тарихий майдонлари танлаб олингани жараёнларга ўзгача жозоба бахш этди. Ушбу халқаро фестивал олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ҳамда аъналарини ўзида яққол намоён этадиган, дилларни дилларга, элларни элларга бириштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманига айланди.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни, мардлик ва жасоратни тарғиб этадиган бу фестивалнинг

халқаро миқёсдаги обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бораверади.

Муҳаммад АСЕМ, Фестиваль иштирокчиси (Покистон):

— Ўзбекистонда олдин икки марта табу бўлганман. Хивага эса биринчи марта келишим. Бу қадимий шаҳарнинг осмонўпар миноралари, тарихий обидалари мени ҳайратга солди. Умуман, фестивалдан олган таассуротларим бир олам.

Мен мас-рестлинг мусобақаларида иштирок этаман. Спортнинг ушбу тури бўйича беллашиш учун дунённинг 18 та давлатидан иштирокчилар келган. Барча спортчиларга омад тилайман.

Ботиржон САИДОВ, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари:

— Мазкур халқаро фестиваль мам-

лакатимиз Президентининг 2022 йил 25 майдаги "Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилмоқда.

Асосий мақсади миллий спорт турлари ҳамда халқ уйинларини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ҳамда ўсмирларни уларга кенг жалб этиш, халқаро алоқаларни кучайтиришдан иборат бўлган ушбу фестиваль Хивада ҳар икки йилда бир мартаба таъкил қилинади.

Ишонимизки, Фестиваль ёшларнинг этноспорт турларига

Олий Мажлис Сенатида



МУРОЖААТЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатида аҳолини уйлантираётган масалаларни ҳал этиш мақсадида мунтазам равишда фуқаролар қабуллари ташкил қилиб келинмоқда.

Шундай қабулларнинг навбатдагисини Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова ўтказди.

Очиқ мулоқот тарзида уюштирилган тадбирда Сурхондарё, Андижон, Навоий, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 40 нафарга яқин фуқароларнинг муурожаатлари кўриб чиқилди.

Ушбу масала ечими юзасидан вилоят ҳокимлигининг масъул раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди.

Навоий вилоятининг Навбахор туманидан келган фуқаро У. Бекмуродова эса уй таъмири учун моддий ёрдам сўради.

Шу билан бирга, 10 нафар фуқаронинг муурожаати ўрнатилган тартибда ўрганилиши айтилиб, яна шунча фуқарога ҳуқуқий тўшунтириш ҳамда маслаҳатлар берилди.

«Халқ сўзи».

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК УЧУН УМУМИЙ САЅЙ-ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Экологик муаммолар, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурслари тақчиллиги» мавзусида илмий-амалий мулоқот ўтказилди.

Мулоқот

Таъкидланганидек, иқлимнинг кескин ўзгариши, саҳроларнинг кенгайиши, чўлланиш ва ер деградацияси, маиший ҳамда саноат чиқиндиларининг тобора ортиб бориши, атмосферанинг зарарланиши, сув ресурсларининг ифлосланиши ва танқислиги, ўрмонлар ҳамда биохилмаҳилликнинг қисқариши инсоният учун ниҳоятда долзарб

глобал экологик муаммоларга айланди.

Боз устига, аҳоли сонининг ўсиб бориши, саноат ва транспортнинг ривожланиши, фан-техника тараққиёти инсониятнинг биосферага таъсир доирасини кенгайтириб бормоқда.

Ушбу муаммолар мамлакатимиз учун ҳам хослигидан келиб чиқиб, юртимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик

барқарорликни таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Она табиатни сақлаш, аҳоли саломатлигини химоя қилиш масалалари соҳасида ўзига хос қўнунчилик баъзи яратилди. Глобал экологик муаммолар кескинлашган шaroитда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қўнунлар, қўнуноти ҳужжатлари, давлат дастурларининг қабул қилиниши ва уларнинг ижроси бўйича ишлар олиб борилаётгани, бу ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясида аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шarti сифатида атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар аниқ белгиланди.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Соҳани бошқариш ва тартибга солувчи қўнунчилик базаси тақомиллаштирилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш соҳасида қатор вазифалар турганлиги алоҳида қайд этилди.

Жумладан, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, сувнинг исроф бўлиши ва ортиқча сув истеъмолнинг олдини олиш, соҳа ва тармоқларда сув тежовчи

технологияларни қўллашни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, чиқиндиларни бошқариш соҳасини тақомиллаштириш, чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этишни кенгайтириш, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўймай, биохилмаҳилликни, даракларни асраш борасидаги ишларни янада тақомиллаштириш зарурлиги айтилди.

Тадбирда, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида миллий қўнунчилик базасини қайта кўриб чиқиш лозимлиги хусусида сўз юритилди. Бу борада прокуратура органлари олдида долзарб масалалар турганлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Қисқа сатрларда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнунларига республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг номларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ушбу қўнун лойиҳаси билан баъзи қўнун ҳужжатларига маъмурий ислохотлар доирасида айрим республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий номларини мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритиш таклиф этилмоқда.

Парламент қўйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Бошланғич ва умумий таълимни, умумий қароровни сақлаб қолган ҳолда ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш, шунингдек, мактабларда ўқувчи ўрнини кўпайтириш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шaroит яратиш борасидаги устувор вазифалар ижроси тўғрисида»ги масала юзасидан Мактабга ва мактаб таълими вазирлигининг ахбороти эшитилди.



Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнунларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш ҳамда пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартибини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Сенатор ва ҳаёт

Худудлар инфратузилмаси: ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан юртимиз маҳаллаларидаги объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Худудларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Сенат аъзолари жойларга чиқиб, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш борасидаги лойиҳалар ижросининг боришини ўрганапти.

Айни кунларда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Б. Матмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасида жойларга чиқиб, объектларда олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш мулоқот қилди.

Дастлаб кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида «Янги Мўйноқ» номи китоб-альбомнинг тақдими бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ушбу китоб-альбомда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Мўйноқ туманида ўтган қисқа вақт мобайнида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришлар ўз аксини топган.

«Халқ сўзи».

СОҒЛОМ ҲАЁТ АСОСИ

Шу йил 7-8 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи гоят долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатди.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг мазкур анжуман иштирокчиларига йўллаган муурожаатида сўнги ўн йилларда «яшил инқилоб» ва инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошгани, тобора кўпайиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда сезиларли ютуқларга эришилгани қайд этилди.

раётгани, бу эса Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдираётгани таъкидлаб ўтилди.

«Сариқ» ва «қизил» тоифага тушган маҳаллаларда жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, содир этилган жиноятларнинг сабаб ҳамда шарт-шaroитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Сид» деган сўзларини иқтисод сифатида келтирди. Дарҳақиқат, бу жуда долзарб масала. Бинобарин, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсон саломатлигини белгилувчи омилларнинг 50 фоизи унинг овқатланиши ва ҳаёт тарзига боғлиқ.

«Халқ сўзи».

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ — ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини рўёбга чиқаришга молиявий кўмаклашиш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жарқўрган туманида ҳам янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, шу орқали камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар қилинган.

Туманда жорий йилда 31,5 минг нафар аҳолини доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилишга устувор аҳамият берилиб, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Туманда жорий йилда 31,5 минг нафар аҳолини доимий, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд қилиш бўйича маҳалла кесимида йиғма мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, тармоқлар ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича режа-жадвал тасдиқлаб олинган.

Сессияда депутатлар томонидан ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, уни кафолатлашда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларнинг муаммоларини беvosита маҳаллаларда ҳал қилиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Қайд этилганидек, туманда аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

худуд» тамойили асосида иш олиб боришмоқда.

Тумандаги 31 маҳалла «яшил», 27 таси «сарик» ҳамда 8 таси «қизил» тоифадаги маҳаллаларга киритилган.

Туманда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш йўналишида тизимли ишлар олиб борилаётганига қарамай жиноятчилик сони ошгани қайд этилиб, уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар берилди.

Сессия ишида Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов иштирок этди ҳамда янги таҳрирдаги Конституция, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти, шунингдек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, унда илгари сурилган ташаббуслар, белгилаб берилган устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Қўнунчилик палатаси Спикери Аҳоли бандлигини таъминлашда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қўнун талабларидан келиб чиқиб иш ташкил этиш лозимлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қўнунда кўзда тутилган қоидаларга амал қилинишни таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар бўйича халқ депутатлари Жарқўрган тумани Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қизларшой РАҲМАТОВА, ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ:

— Сессияда Қўнунчилик палатаси депутатлари ҳам иштирок этгани, қўйи палата фаолияти ҳақида яқин-

дан танишганимиз ва тажриба алмашиганимиз, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумот берилгани айни мудоао бўлди.

Айтиш жоиз, ўтган даврда туманда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қўламли ишлар амалга оширилган, кўплаб ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.

Албатта, туманимизда ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Агар биз улардан унумли фойдалансак, худудда тадбиркорлик субъектлари кўпаяди, янги иш ўринлари яратилади.

Рустам ДАВЛАТОВ, ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ: — Йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш масаласи Қўнунчилик палатаси депутатлари иштирокида атроф-ҳаёт муҳокама қилинди.

«Маҳалла бешлиги» ва фаоллар ўртасидаги ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилгани натижасида олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар содир этилгани жиддий эътирозларга сабаб бўлди.

Шунингдек, келгусида Жарқўрғон бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар ва аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда бор имкониятимизни ишга солашимиз.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар томонидан янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида қилинган ишлар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Термиз шаҳар ҳокими ҳамда шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, юртимизда кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, эътижман аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шaroитлар яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар қўлла-напти.

Бўрада Термиз шаҳрида ҳам манзилли ишлар олиб борилаётган. Хусусан, соҳада амалга оширилган ишлар натижасида худудда жорий йилнинг январь — август ойларида 9819 та иш ўрни яратилган.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 1207 та лойиҳага 28,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган.

Термиз шаҳрида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликни жилавлалаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор амалий ишлар олиб боришмоқда.

йилдаги нисбатан 36 тага камаятган.

Шаҳар худудидида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда шаҳар ва вилоят ИИБ ходимлари, Миллий гвардия ҳамда соҳавий ташкилотлар билан ҳамкорликда тунги гуруҳлар ташкил этилгани эътиборга молик.

Шу билан бирга, жиноятларни жилавлалаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш борасидаги ишларни янада жаддаллаштириш, ҳамкорликни тўғри ва самарали йўлга қўйиш орқали жиноятларни тубдан камайтириш мақсадида қриминоген вазият ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда шаҳардаги барча маҳалла «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга ажратилган.

Сессияда, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси етарли даражада таъминлангани қайд этилди.

Маҳаллалар худудидида профилактика инспекторларининг масъулиятини ва жиноятларни ўз вақтида фоз этиш борасидаги тадбирлар самардорлигини қучайтиришга доир таклифлар илгари сурилди.

Жадал ислохотлар натижасида ҳаётимизнинг барча соҳасида ўзгаришлар юз бераётгани, Ҳаракатлар стратегияси, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаётгани, одамлар турмуш даражаси юксалганлиги таъкидланди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойдин ШАРОФУТДИНОВА, Термиз шаҳар Кенгаши депутати:

— Йиғилишда муҳим масалалар муҳокама қилинди. Унда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигига эришиш бўйича жорий йил охиригача бажарилиши лозим бўлган ишлар атрофида кўриб чиқилиб, мутасадди раҳбарларнинг вазифалари белгилаб олинди.

Сессияда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари иштирок этгани, улар томонидан янги таҳрирдаги Конституция, ундаги нормаларнинг мазмунини, аҳамияти ҳақида кенг маълумот берилгани айни мудоао бўлди.

Бўрхон РАҲМАТУЛЛАЕВ, Термиз шаҳар Кенгаши депутати:

— Сессия иши жуда мазмунли, натижадор бўлди, десак, асло муболага эмас. Зеро, кун тартибидидаги масалалар атрофида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ ва мақсадли таклифлар илгари сурилди.

Сирасида айтганда, жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаси бўлмоғи лозим.

«Халқ сўзи».

ИНСОННИ ҚАДРЛАШ, ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — БОШ МАҚСАД



Юрт ўзгарапти. Ҳар қарич ер ободликка юз тутаяпти. Кўрмисиз бинолар ўрнида баланд-баланд иморатлар қад ростлаяпти. Асфальт кўрмаган кўчалар раво йўллarga айланаётди.

Одамлар ўзгарапти. Кеча “Бўлаверади”, “Менинг фикрим кимга қизиқ”, “Ўқиб шаҳар олиб берармидин?”, “Машина олиш — етиб бўлмас орзу”, “Чўнтагида бир-бир сўми йўқ киши қандай қилиб тадбиркор бўлсин”, каби фикрлар ўрнини бугун “Юрт тақдири — менинг тақдирим”, “Келажакни ўзимиз яратамиз”, “Демак, ҳар қат қилсан — эришаман”, “Нажот — билимда”, “Тадбиркор бўлмоқчимисан, мана, давлат кўмаги” қабилидаги соф тушунчалар эгаллади.

Ҳар қандай давлат, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этади. Шўқри, мустақиллик халқимизга ана шу бахтни — эркин ва озод ҳаётни берди, инсоний шайғимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклади. Ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечириш, хур ашаш бахтига эришиди. Мамлакатимиздаги кенг қўламли бунёд-корлик ишлари, забт этган барча марраларимиз энг улугъ неъмат — истиқлол шарофати, десак, айни ҳақиқат.

Таҳлил

Хуллас, мустақилликнинг ўтган 32 йили давомида мамлакатимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилди, қиллоқ ва маҳаллаларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, одамлар ҳаётида катта бурилиш бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда кечаётган ислохотлар, тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор ҳаётимизнинг барча жабҳасида янгилашни ва туб ўзгаришларга замин ҳозирлади. Юртимиз дунёга очилди, улкан салоҳиятини жаҳонга намойиш қилиш имконига эга бўлди. Қолаверса, муҳим ўзгаришлар эътибори, мамлакат иқтисодий ривожланишида суръатдан ҳам юқори ривожланишга давом этапти. Нуфузли халқаро ташкилотлар, дунё оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон аҳолиси даромадлари муттаҳидлиги билан борадаги таълимнинг янгилашлари алоҳида эътироф этмоқда.

Хусусий тадбиркорлик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналар, инвестициялар, солиқ ва боқхона сиёсати тўғрисида қабул қилинган қонунлар эса иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Натيجада мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 6-7 фоиздан кам бўлмапти. Бу эса пандемия ва дунёдаги қарама-қаршилик туфайли кўпчилик мамлакатлар, ҳатто ривожланган давлатлар иқтисодиёти рецессияни бошидан кечираётган бир шароитда дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири, дейиш мумкин.

Ҳар қандай давлат, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этади. Шўқри, мустақиллик халқимизга ана шу бахтни — эркин ва озод ҳаётни берди, инсоний шайғимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклади. Ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечириш, хур ашаш бахтига эришиди. Мамлакатимиздаги кенг қўламли бунёд-корлик ишлари, забт этган барча марраларимиз энг улугъ неъмат — истиқлол шарофати, десак, айни ҳақиқат.

“Чик” кимё-индустриал технопарки ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркорликнинг ўрни катта. Шунинг учун тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш доимиий эътиборда. 2023 йил 1 январдан бошлаб микробизнес учун айланмадан олинмаган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилди. Бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинди. Ёки улар ихтиёрий равишда йилга 20 — 30 млн. сўм тўласа, бухгалтерия ҳисоби юритиш ва солиқ идораларига ҳисобот тақдим қилиш мажбуриятини озод этилди бўлди. Иккинчи тоифа, яъни айланмаси 1 млрд. сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солигини 2 баробар кам тўлайди. Айтиш мумкинки, бу имкониятлар минглаб тадбиркорларга энгиллик яратди, фаолиятини кенгайтириш, иш ўринлари яратиш учун асос бўлмоқда.



Вестия ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини таъминловчи муҳим капиталдир. Аҳамиятли жиҳати, инвесторлар ва тадбиркорлар томонидан мамлакатга инвестиция киритилиши юртимизда кўплаб иш ўринлари очилишига туртки бўлади. Энг муҳими, замонавий билимларни ўрганиш имконияти, умуман, давлатимизнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш учун етарли даражада шароит яратилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар амалга оширилдики, бу борадаги ишлар аллақачон ижобий натижа бермоқда. Бу ҳақда кўришганда, мамлакатимизга инвестиция киритиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ишбилармонлар учун кенг шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, 90 дан ортиқ хорижий давлат фуқаролари Ўзбекистонга визасиз кириш имкониятига эга бўлди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устас фондидаги хорижий сармоялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Ушбу йўналишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, юқори технологияли замонавий лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ишбилармонларни кенг жалб қилиш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми уюштирилди. Форумни ўтказиш жараёнида 164 та битим ва шартномалар имзоланди. Шартномаларнинг умумий миқдори 11 млрд. долларни ташкил этади. Таққослаш учун, 2022 йилда биринчи инвестиция форумида 7,8 млрд. долларлик 105 та ҳужжат имзоланган.

Ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қўламли ишлар бажарилмоқда. Сўнгги олти йилда улар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиздан ошди. 2023 йил охиригача қарий 30 млрд. доллар сармоя жалб қилиш режалаштирилган, шундан 25 млрд. доллар хусусий инвестициялар бўлиши кўзланган. Жумладан, умумий қиймати 8 млрд. долларлик 300 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилади ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади. Эътиборли, буларнинг барчаси заманида халқимизнинг бугунгидан-да фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашдек эзу мақсад муҳимасан.

Ҳар бир соҳа ва йўналишдаги ислохотлар одамлар турмушидаги ўзгаришлар, юз-кўзидаги тамунлиқ, бугунги кундан розилик ифодаси ўлароқ ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари Ўзбекистонда сезиларли ўсиш кўрсаткичларини прогноз қилаётди. Бундай юксак марралар инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида Президентимиз раҳбарлигида кечаётган изчил ислохотлар натижасидир.

Эътиборлиси, бу ўзгаришлар халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятли. Кейинги йилларда биргина валютанинг эркин айланмаси жорий қилинган, солиқ юки кескин камайтирилиб, хусусий бизнес қонун ҳимоясида бўлишидек ишончли тизим яратилгани бозор иқтисодиёти ривожига кенг йўл очиб берди. Шу даврда мулк, РЕКЛАМА

Инсоннинг ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгилаб, амалда унга риоя этила бошланди. Бугун Ўзбекистондаги ислохотлар шиддатидан одамнинг ақли шошди. Президентимизнинг халқ розилигига эришиш, камбағалликни қисқартириш, ҳар бир инсонни уй-жойли қилиш, инсоннинг қадр топиши учун бажараётган сайёҳаракатларини ҳаммамиз қўриб туришимиз. Муҳими, бу борадаги ишлар ортага қайтмас тўли олд.

Дилшод ХОЛМАТОВ,
Наманган давлат университети
профессори,
кимё фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент.

TOSHKENT TO'QIMACHILIK VA YENGI SANOAT INSTITUTI OLIY O'QUV YURTIDAN KEYINGI TA'LIM INSTITUTIGA 2024-YIL UCHUN QUYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO'YICHA QABUL E'LON QILADI:

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD)

02.00.06	Yuqori molekulyar birikmalar	2 o'rin
05.01.08	Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish	4 o'rin
05.02.03	Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari	4 o'rin
05.06.01	To'qimachilik va yangil sanoat ishlab chiqarishlari materialshunosligi	3 o'rin
05.06.02	To'qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	14 o'rin
05.06.03	Teri, mo'yna, poyabzal va teri-galantereya buyumlari texnologiyasi	1 o'rin
05.06.04	Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni	4 o'rin
08.00.07	Moliya, pul muomalasi va kredit	2 o'rin
08.00.13	Menejment	3 o'rin
10.00.06	Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog'ishtirma tilshunoslik va tarjimashunoslik	2 o'rin

DOKTORANTURA (DSc)

05.06.02	To'qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	2 o'rin
05.06.04	Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni	1 o'rin
08.00.13	Menejment	1 o'rin

TAYANCH DOKTORANTURA (PHD) VA DOKTORANTURA (DSC)GA TALABGORLAR
<http://phd.mininnovation.uz/> sayti orqali onlayn tarzda ro'yxatdan o'tadi va quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- oliy ma'lumot, fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi (DScga talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini, oliy ma'lumot to'g'risidagi diplom nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblarining tegishli hujjat nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- pasport nusxasi;
- xorijiy tilni bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat nusxasi: — filologiya yo'nalishlari bo'yicha kamida "C1" darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat, — noliologik yo'nalishlari bo'yicha esa "B2" darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat talab etiladi.

Bo'sh muharrir Utkir RAHMATOV

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-253-08-08, 71-253-61-05, 90-808-27-81.

Телефонлар: 71-259-74-51; қопилма 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазири Мақамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли қарорига мувофиқ, 2024 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка 08.00.07 — «Молия, пул муомаласи кредит» ҳамда 08.00.08 — «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» иختисосликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Докторантурага (DSc)

Талабгорлар учун керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- тил бўйича миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат.

Таянч докторантурага (PhD)

Талабгорлар учун керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумот (объективка — намуна 3.5 шакл бўйича ўзбекча ва русча);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлиги (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 1 мақола ва 2 тезис);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлса);
- тил бўйича миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат.

Мақсадли докторантурага (PhD)

Талабгорлар учун керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумот (объективка — намуна 3.5 шакл бўйича ўзбекча ва русча);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлиги (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 1 мақола ва 2 тезис);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлса);
- тил бўйича миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат.

Барча ҳужжатлар pdf шаклида тайёрлаиб, олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи Ягона электрон тизими (<http://phd.mininnovation.uz>) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда юборилад.

Қабул: 2023 йил 15 сентябрдан 15 октябргача.

Қўшимча маълумот олиш учун Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтининг Илмий-тадқиқотлар бўлими (93-598-66-58)га (манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй) мурожаат этиш мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Телефонлар: 71-259-74-51; қопилма 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6